

**UDK 37.02**

**Ж.Юлдашев, старший преподаватель**

**J.Yuldashev, senior teacher**

**Д.Каюмов, преподаватель**

**D.Qayumov, teacher**

**У.Жураев, преподаватель**

**U.Juraev, teacher**

**Namangan Engineering – Construction Institute**

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ПРОФЕССОР ЎҚИТУВЧИСИНИНГ МАЪРУЗА ЎТИШ УСЛУБИ ВА ЎЗИНИ ТУТИШИ**

Аннотация: Мазкур илмий мақолада ўқув жараёни илмий асосда ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи талаба ёшларнинг ўзаро ҳамкорликдаги таълим жараёнига боғлиқ равишда амалга оширилиши мумкин бўлган муносабатлар тўғрисида тўхталиб ўтилган. Жумладан, Олий таълим муассасаси профессор ўқитувчисининг ўқитувчиларининг педагогик ва психологик сифатлари, ўқув жараёни илмий асосда ташкил этишдаги вазифалари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: таълим сифати, педагогик технология, маъруза.

## **ПРОФЕССОР-ПРЕПОДАВАТЕЛЬ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ МЕТОД И ПОВЕДЕНИЕ ЛЕКЦИИ**

Аннотации: В данной научной статье взаимоотношения между педагогической и студенческой молодежью при организации учебного процесса на научной основе могут быть реализованы в связи с процессом взаимного обучения. В частности, педагогические и психологические качества преподавателей вузов, роль преподавателей в организации учебного процесса на научной основе.

Ключевые слова: качество образования, педагогическая технология, лекция.

**PROFESSOR TEACHER OF HIGHER EDUCATION INSTITUTION**

## LECTURE METHOD AND BEHAVIOR

Annotation: This scientific article focuses on the relationship between teacher and student youth in the organization of the educational process on a scientific basis, which can be realized in connection with the process of mutual learning. In particular, the pedagogical and psychological qualities of teachers of higher education institutions, the role of teachers in the organization of the educational process on a scientific basis.

Keywords: quality of education, pedagogical technology, lecture.

Ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этишда тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий маъруза методини сақлаб қолган ҳолда, уни талабалар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш талабаларнинг ўзлаштириш даражасини тарилишига олиб келар экан. Бунинг учун маъруза ўқиш жараёнини оқилона ташкил қилиш, талабаларнинг қизиқишларини орттириб, уларнинг маъруза жараёнида фаоллигини рағбатлантириб туриш, ўқув материалининг мазмунини очишда мунозара, ақлий хужум, баҳс, тадқиқот методлари ҳамда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш талаб этилади.

Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларида олим, педагог ва етарли даражада моҳир маърузачи сифатлари мужассам бўлмоғи зарур. Ҳақиқий олим-педагог ўз предметини эътиқод позициясидан, берилиб баён қилади. Маърузани малакали ўқиш шартларидан бири предметни мукамал билишдир. Бироқ маъруза учун фақатгина предметни, айтилаётган маълумотларнинг талабалар билимига айланишининг педагогик ва психологик йўллари билишнинг ўзи етарли бўлмайди, шу билан бирга илмий ҳолатларни, атамаларни қийинчиликларсиз, етарлича образли ва эмоционаллик билан баён қиладиган ривожланган нутқ зарур бўлади.


Маърузада жуда кўп нарса педагогик мулоқотнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Машҳур психолог А.А. Леонтьев тўлақонли маърузавий мулоқотга эришиладиган қуйидаги шароитларни аниқлади:

- 1) маъруза ўқиладиган жойни тез ва тўғри мўлжаллаш;
- 2) маъруза мазмунини тўғри режалаштириш;
- 3) материал мазмунини тингловчиларга йўқотишсиз етказиб берадиган қ воситаларни топиш;
- 4) тингловчилар билан мустақкам контакт ўрнатиш.

Ўқитувчининг контакти талабалар билан мантиқий, психологик ва ноанънавий бўлиши мумкин. Мантиқий контакт – бу педагог ва талаба фикрларининг контакти. Психологик контакт талабалар диққатини жамлаш, улар томонидан баён қилинаётган материални тушуниш ва қабул қилиш, ўқитувчи фаолияти ва ундан келаётган ахборотга жавоб тариқасида ички фикрлаш ва эмоционал фаолликдан иборат бўлади. Маънавий контакт талаба педагогнинг ҳамкорлигини таъминлайди. Ушбу контакт амалга ошмаса, масалан, конфликтлар шароитида, билиш-ўрганиш жараёни қийинлашади, ёки қисман содир бўлмаслиги мумкин. Аудитория маърузачини бутун диққатини жамлаган ҳолда ва ишга тўлиқ ёрлик, у билан бирга фикрлаш билан ёки олдиндан маъруза ўта зерикарли, дарсликни тўлиғича сўзлаб беришдан иборат бўлишини сезиб бефарқлик билан кутиб олади. Баъзида аудитория сабр қилиш, кўпинча эса предмет ва маърузачига нисбатан салбий кайфиятда бўлиш позициясини эгаллайди. Агар ўқитувчи аудиторияга киргач талабаларни «кўрмаса», улар билан контакт ўрнатишга ҳаракат қилмаса, уларнинг дарсга қандай тайёргарлик кўрганлигига эътибор бермаса, унга мавзу ва режани айтмаса, у ҳолда талабалар қандай қилиб предметга қизиқишлари ва жиддий ишга ўзларини созлашлари мумкин. Баъзи маърузачиларнинг аудитория олдида ўзларининг «интеллектуал жиҳатдан устунлигини» кўрсатишга уринишлари, материални мураккаб тилда баён қилишлари методик жиҳатдан асоссиз ҳисобланади. Худди шундай Маъруза тилини ҳаддан ташқари соддалаштириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Педагогнинг предмет моҳиятини билиши, ўзи шуғулланадиган илм-фан тараққиётининг диалектик асосларини тушуниши – зарурий бўлиб, ўқув жараёнининг самарадор

бўлиши учун етарли эмасдир. Ўқитувчи ўз тингловчиларига илгари сурилайётган назарий билимларнинг ҳаққонийлигини кўр сата олиш уқувларига эга бўлиши, олинган билимларни амалиётда қўллашга ўргатиши шарт. Маъруза одатда маърузачи томонидан жонли нутқ кўринишида баён қилинади. Маърузани хотиржам, сал баландоқ овозда баён қилиш, товуш баландлигини ўзгартириб, асосий ва аҳамиятлиларни таъкидлаб, хулоса қилиш, саволлар бериш, муаммолар қўйиш чоғида нутқни пастлатиш тавсия қилинади. Шундай қоида мавжуд: «маърузаларни етарлича баланд овозда ш керакки, уни эшитишсин, ва шу билан бир вақтда етарлича паст ўқиш лозимки, токи уни тинглашсин». Масалан, дақиқасига 60-80 сўз ўқиш сурати нормал ҳисобланади. Маълумки, маърузавий ўқитиш фикрларнинг аниқ ва ихчамлигини, нутқнинг ифодалилигини, сўзсиз унинг тил ва имло жиҳатдан тўғрилигини талаб қилади. Маърузада нутққа эътиборсизлик ва уни керак бўлмаган кириш сўзлари, жаргонлар, вульгаризм билан булғалашга йўл қўйилмайди. Агар маърузачи формал логика ва уни уқувли қўллаш қоидаларини билса, материални тақдим қилиши шунча муваффақиятли бўлади. Логикада исботланиши лозим бўлган ҳар бир фикр-мулоҳаза маълум қонунларга бўйсунди. У аниқ-равшан бўлиши, икки хил маънога эга бўлмаслиги ва бутун исботлаш жараёнида ўзгармасдан шакллантирилиши зарур. Маърузада материални баён қилиш жараёнида илғаб олиш эҳтимолий характерга эга: одатда, тингловчи гапнинг нима билан тугашини олдиндан топиш мақсадида гапирувчидан фикран олдинга кетиб қолади. Бироқ мунтазам равишда олдиндан уқиб олиш тингловчининг диққатини сусайтиради. Ҳар бир матн - ахборот (тахминан 30%) ва тўйинган, зич қисмдан иборат бўлади. Тўйинганлик барқарорликни ва уқиб олишнинг ишончилигини таъминлайди. Айнан битта маърузанинг ҳар бир аудитория учун тўйинганлик ва информативлик нисбати турлича бўлишини мутахассислар аниқлашди. Оғзаки чиқишлар учун 1:3 нисбат оптимал бўлади. Агар

бутун матн тўйинган бўлса, хабар маъноси йўқолади. Маърузанинг табиий динамикаси тўртта фазани ўз ичига олади (1 расм): бошланғич қабул қилиш – 4-5 дақ (1); қабул қилишнинг оптимал фаоллиги – 25-30 дақ (2); зўриқиш фазаси – 10-15 дақ (3); сезиларли чарчаш фазаси (4)



Одатда педагог охириги фазани сезади, бу нотўғри. Чорани олдинроқ - зўриқиш фазасида кўриш зарур. Бу ерда маъруза материални хилма-хиллаштириш, юқори қизиқиш уйғотадиган материалга ўтиш, тингловчиларнинг зўриқиш даражасини ўзгартириш зарур. Манфаатдорлик ва ишонч муҳити бўлмаган жойда зўриқиш ва чарчаш фазалари олдинроқ ҳосил бўлади. Зерикарли ва бир хилдаги маърузалар талабаларнинг фикрий фаолиятларини сўнгдириб қўяди. Жуда мураккаб, абстракт предмет бўйича маърузада озгина юмор, маърузачининг мазмунга мос равишда ҳазил-мутоибаларига йўл қўйилади. Бироқ ўткир фикрлар ва ҳазиллар меъёрида бўлиши ва уларни моҳирона тортиқ қилиш талаб қилинади. Уларнинг ортиқча бўлиши қарама-қаршиликка олиб келади ва маъруза ўзининг илмий қимматини осонгина йўқотиб қўйиши мумкин. Яхши маърузачи, гўзал нутқ соҳиби бўлишни истаган ҳар бир педагог учун нотиклик санъати муҳим аҳамият касб этади. Олий ўқув юрти маърузасида ўқитувчи шахсан гоҳ у, гоҳ бу талабага ва ҳаммага муружат қилгандек бутун аудиторияга қараши керак.

Маърузачининг педагогик ва психологик сифатлари тўғрисида гапирганда иродасини ривожлантириш ва аудиторияни ўзига бўйсундириш ўқувларига эътиборни қаратиш зарур. Аввал ўзини

аудиториядан кўркмасликка мажбур қилиш керак. Яхши тайёргарлик кўрилганда бу одатга айланиб қолади, сўнгра ўз билимларига ишонч ҳосил қилинади, бу эса аудиторияга таъсир қилишнинг энг муҳим шартидир. Барча айтилганларга шуни қўшимча қилиш мумкинки, яъни маърузачи ўз ҳаракатларида сиқилган бўлиши керак эмас, бироқ ортиқча ярашмаган ёки театрлашган жестларга берилмаслиги лозим. Тингловчилар маърузачидаги осойишта ҳулқ, унинг ихчамлиги, ундаги ишонч ва соддаликни кадрлашади. Маърузачи аудиторияни ҳар доим кузатиб бориши зарур, барча тингловчиларни кўз қири остида ушлаши, аудиторияни диққат билан эшитиши ва тинглаши, ҳар қандай чалғитувчи ҳолатларда зарур муҳитни тиклаб олиши талаб қилинади. Маърузачи ҳамманинг кўз ўнгида бўлади, шунинг учун унинг ташқи қиёфаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. У аудитория томонидан жисмоний, функционал ва ижтимоий белгиларнинг мажмуаси сифатида қабул қилинади. Маърузачи қиёфасидаги бирор нарса талабалар диққатини ўзига жалб қилиши (кийими, соч турмаги, зеб-зийнатлари), ортиқча кизиқиш, ҳайрат ва кулги уйғотмаслиги керак. Талабалар аудиторияси олдида маърузачи ўзини қандай тутиши лозимлиги тўғрисидаги қуйидаги қоидаларни билиб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди:

1. Маърузачининг педагогик интизоми. Маърузанинг аниқ боши ва охирини яширадиган ҳар қандай сабабларни бутунлай йўқотиш керак. Маъруза – олий ўқув юрти педагоги ҳаётидаги энг муҳим нарсадир.

2. Ўз-ўзига нисбатан ўта талабчанлик. Маърузачи ҳар доим қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

- доскада ёзиш техникасига – ёзувларнинг изчил ва аниқлиги, яхши мел ва ҳ.к.;
- маъруза тилининг тўғрилиги ва қатъийлиги – жаргон сўзлардан қочиш, урғуларни тўғри қўйиш ва ҳ.к;
- аудиторияни доимий кузатиш ва уни ҳис қилиш;

- талабалар учун жуда муҳим бўлган «Бу нима учун керак?» деган саволга жавобни ҳозирлаб қўйиш;
  - маърузачи ўзи яхши билмаган предметларни аудитория олдида муҳокама қилмаслиги;
  - маърузачи ўзи ишонмайдиган ва ҳаётда бажармайдиган шиор ва сабоқлар билан маърузани безамаслиги;
  - талабаларнинг ички дунёсини бойитиб, аудиторияга дам бериш;
  - талабалар аудиторияси олдида ўзини юқори тутиб, кекайиш керак эмас.
- Маъруза бу педагог ва талабаларнинг жамоавий йўналган тафаккури ва асосий масала – ушбу тафаккурни фаол ва маҳсулдор қилиш. Бунга педагогнинг билими, тажрибаси ва педагогик маҳоратига боғлиқ бўлган интерфаол маърузалар ўқиш жараёнида эришилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Зиямухамедов Б., Абдуллаева Ш. Янги педагогик технология: Назария ва амалиёт. –Т.: «Абу Али Ибн Сино», 2001.
2. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.: «МОЛИЯ» - 2003.
3. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.: 2003.
4. Yuldashev J. METHOD OF LECTURE OF PROFESSOR-TEACHER HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTION AND BEHAVIOR //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 2. – С. 647-649.
5. Yuldashev J., Otaxonov O. TECHNOLOGIES OF TEACHING SENIOR STUDENTS IN HIGHER EDUCATION SYSTEM ON THE BASIS OF TARGETED PROGRAMS //НАУКА И ТЕХНИКА. МИРОВЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ. – 2020. – С. 13-15.
6. Yuldashev J., Otaxonov O. THE IMPORTANCE OF PEDAGOGICAL KNOWLEDGE AND ITS NECESSITY IN ELIMINATING NEGATIVE MANIFESTATIONS ENCOUNTERED IN TODAY'S YOUTH //Мировая наука. – 2019. – №. 5. – С. 91-94.